

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 26 январь • сешанба № 4 (1000)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.gov.uz

Моҳият

Оилавий тадбиркорлик

фаровонлик белгиси

РИВОЖЛАНГАН давлатлар таъриблари шунинг кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиради, балки аҳолига қўшимча иш ўринлари яратиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Шунинг учун ҳукуматимиз бугунги кунда асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратмоқда.

Бу борада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга ёрдам берувчи бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

2012 йилгача мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни тартибга солиш алоҳида қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқ эди.

2012 йил 26 апрелдаги **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”**ги Қонун мамлакатимизда тадбиркорликнинг янада ривожланишига ҳисса қўшди.

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил



этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил

биркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизмат-

лар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкда бўлган умумий мол-мулк,

шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизда ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчи-

ларининг шахсий меҳнати-га асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан биридир.

3

Парламент ҳаёти

Ҳуқуқий давлат шароитида

демократик тартиб барқарор ва қонун устувор бўлади



ИНСОН, ЖАМИЯТ, ҚОНУН, ДАВЛАТ деб аталадиган муҳим тушунчалар борки, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб, давлат ва жамият бошқарувидаги институционал, демократик ислохотларнинг марказида қонун устуворлигига эришиш масаласи ётади. Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган, мамлакат тараққиётининг стратегик мақсадларидан бирига айланган **“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** тамойилнинг туб моҳиятини ҳам қонун орқали бошқариладиган, маънавият ва маърифатли жамият тушунчаси ташкил этади. Кучли, очиқ фуқаролик жамияти шароитида ҳамма манфаатлар, инсон ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги барча муносабатлар фақат **ҚОНУН**лар орқали тартибга солинади.

Шу босис Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, **“Олий Мажлис, ҳукумат ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектларнинг энг муҳим вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, улар қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиши зарур. Токи бу қонун ва механизмлар ҳаётдаги аниқ муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб боссин, бу муносабатларда иштирок этадиган ҳар бир субъект ўз ўринини билсин ва ўз фаолиятида қонун талабларига асослансин”**, деб таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **“қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш”** ғоясининг замирида жамиятда адолатпарварликни ва инсонпарварликни янада кучайтириш масаласи ётибди.

Яқинда Парламент қўйи палатасида Президентимиз томонидан қўйилган ушбу муҳим вазифани бажариш юзасидан Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокамасига қаратилган тадбир ташкил этилди.

“Қонунларнинг сифатини ошириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш”, деб номланган мазкур конференцияда Парламент аъзолари, ҳуқуқшунос олимлар, Қўмитанинг экспертлар гуруҳи аъзолари бир қатор амалий тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Газетамизнинг бугунги сонида тадбир ташкилотчилари бўлган Қўмита аъзоларининг конференция мазмун-моҳияти, уни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад, мавзуга доир фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

2

Адлия органларида

Давлат хизматларида қулайлик

БУХОРО ВИЛОЯТ адлия бошқармаси томонидан Қогон шаҳар ҳокимлигида **“Ягона дарча”** тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатли ҳимоясини таъминлашга қаратилган қарорлар юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигининг асосий омилларидан бири бўлиб, бу соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтариб, деяр таъкидланди учрашувда. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдан қўзланган асосий мақсад — бизнес субъектларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бораборида уларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, янги ички маҳсулотда хусусий мулкнинг, жумладан, чет эл капитал иштирокидаги улушини изчил ошириш билан боғлиқ қонунийликни янада такомиллаштиришдан иборат.

Жумладан, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги **“Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонида мувофиқ **“Ягона дарча”** марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан ўз фаолиятини бошлади.

16 турдаги давлат хизматлари фақат **“Ягона дарча”** марказлари орқали амалга оширилиши ҳамда ушбу хизматлар рўйхатида босқичма-босқич қўшимчалар киритиб борилиши назарда тутилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси кўп ҳисобдан уларнинг ушбу ҳужжатларни қўлловчи давлат органлари ва тадбиркорларга қай даражада етказилганига боғлиқдир.

Шу мақсадда, ҳукуматнинг алоҳида қарори билан 41 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат қонун ҳужжатлари миллий базасидан тадбиркорларимизнинг бепул фойдаланиши имконияти яратилган. Эндиликда интернет тармоғига уланган ҳар бир шахс **“LEX.UZ”** сайти орқали ушбу базадан бемалол фойдаланиши мумкинлиги тушунтирилди.

Корхона — битирувчи — коллеж

БУГУНГИ КУНДА ёш авлоднинг таълим-тарбияси, уларни янада қимматли ва билимли, ҳар қанча кўп маҳоратли мутахассиси бўлиб етиштириш учун бир қатор қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Ўз навбатида, ўрта махсус маълумотга эга бўлаётган кадрларни тайёрлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, йиғит-қизларни маълум бир касбга йўналтириш муаммолари вазирлар вужудга келишининг олдини олишга имкон яратди.

Ана шу мақсадда, Наманган вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан битирувчиларни давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилотларга ишга қабул қилишда уларга берилган имтиёزلарни амалда татбиқ этилиши, қонунчиликда белгиланган преференция ва имтиёزلардан фойдаланиш имкониятларини ўқувчи-ёшларга тушунтириш мақсадида **“Корхона — битирувчи — коллеж”** лойиҳаси асосида Наманган юридик коллежидан ўқувчи ташкил этилди.

Тадбирда битирувчиларни давлат бошқаруви органлари, корхона-ташкилотларга — иш берувчиларга бириктириш чораларини кўриш, шунингдек, ушбу идораларда ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, коллежнинг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари бандлигини таъминлашнинг бугунги кундаги долзарб масалалари, битирувчиларни диплом олди амалиётини ташкил этиш бўйича ҳамкорликдаги ишларни янада жадаллаштириш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда мунтазам назорат қилиб бориш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида 2016 йил учун маълум идоралар билан ҳамкорликда тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг ижроси ва қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифалар юзасидан келишиб олинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Адлия аралашгач...

Мурожаатдан сўнг

муаммага ечим топилди

БУГУНГИ КУНДА адлия идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фермер хўжалиқларига шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда ёрдам кўрсатиш боросида иккунчи ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, **“Ишонч телефонлари”** орқали Андижон вилоят адлия бошқармасига тадбиркорлик субъектлари томонидан 2015 йил давомида 50 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 68 фоизи қаноатлантирилди. Қолган 22 фоизига тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликлар бўйича тушунтиришлар берилган.

Масалан, бошқарма **“Ишонч телефони”**га 2015 йилнинг ноябрь ойида **“Санитар тазолаш Автотранспорт корхонаси”** МЧЖ раҳбарининг Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан ер майдони бириктириб бериш юзасидан қарор чиқариб берилмаётганлиги юзасидан мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаат бўйича бошқарма аралашувдан сўнг шаҳар ҳокимиянинг қарори қабул қилинди. **“Санитар тазолаш Автотранспорт корхонаси”** МЧЖга тегишли 6806,03 кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш учун бириктириб берилди.

Шу билан бирга, келиб тушган мурожаатлар ҳамда ўтказилган ўрганиш якунлари бўйича аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан киритилган таъсир чораларига асосан 281 нафар мансабдор шахсга интизомий, 31 нафарига эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, 33 нафар мансабдор шахсга нисбатан эса маъмурий жазо чоралари қўлланилган бўлса, 9 миллион сўмлик 1013 та даъво ариза қаноатлантирилди.

Шунингдек, Избоскан туманидаги **“Абдурахмонов А.Б. дуолимбек орузи”** фермер хўжалиғи раҳбарининг тумандаги **“Пойтуғ”** пахта тазолаш акциядорлик жамияти томонидан шартнома шартлари бажарилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, фермер хўжалиғи манфаатини қўзлаб **“Пойтуғ”** пахта тазолаш акциядорлик жамиятидан 73.476.768 сўм асосий ва 36.738.384 сўм пеня ундириш бўйича вилоят хўжалик судига даъво ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан фермер хўжалиғи фойдасига 73.476.768 сўм асосий ва 20.000.000 сўм пеня ундириш белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Бу эса иқтисодий ислохотлар самарасини белгилловчи мезондир.

Хайрулло САБИРОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси
бошлигининг биринчи ўринбасари



“INSON VA QONUN”
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна нарҳи — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
Tel/fax: 266-19-97



“HUQUQ VA BURCH”
иқтисодий ҳуқуқий журналга обуна бўлинг!
Обуна нарҳи — 102.
e-mail: info@huquqvaburch.uz
Tel/fax: 236-84-24



“Adolat”
Ўзбекистон Республикаси ички ҳуқуқлари тўғрисида
ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна нарҳи — 940.
e-mail: adolat@minjust.gov.uz
Tel/fax: 266-26-45



“Adolat”
Ўзбекистон Республикаси қўриқ-қўриқлари тўғрисида
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна нарҳи — 916.
e-mail: adolat@minjust.gov.uz
Tel/fax: 266-26-45



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали
Сиз фаолиятингиз оид батафсил
маълумотлар билан танишишигиз мумкин.

Хукукий давлат шароитида

демократик тартиб барқарор ва қонун устувор бўлади

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Акмал САИДОВ —
Қонунчилик палатасининг
Демократик институтлар,
нодавлат ташкилотлар ва
фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари
қўмитаси раиси:



— Истиқлолимизнинг

дастлабки йилларидан бошлаб, халқимизнинг бош мақсади айланган демократик ҳукукий давлат ва кучли, очиқ фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёнида амалдаги норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг ҳаётлиги, амалиётда самарали қўлланилиши, мукамаллиги, халқчилиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Назарий ва амалий нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳулоса қилинганда жамият ва давлат тараққиёти қабул қилинган қонун ҳужжатларининг қай даражада мукамаллиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунчиликда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалардан биридир. Қўмита томонидан ташкил этилган мазкур конференциянинг мақсади ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган қонунларнинг самарали жорий этилиши механизмларини яратиш масаласи юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқишдир.

Маълумки, юртимизда миллий парламент ислохотлари самарасида вуҷудга келган ва бугунги кунда профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва кўпроқ ҳудудлар манфаатини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан фаолият юритаётган Сенатнинг ташкил этилганига ўн йил тўлди. Натижада, қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.

Шу билан биргаликда қонунларимизда белгиланган ҳукукий нормаларни амалиётда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берувчи ҳукукий механизмларни, қонуности ҳужжатларни, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш талаб этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, 2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди. Ҳукукий инвентаризация қонунчилик фаолияти-миздаги янгилик бўлди.

Инвентаризацияни ўтказишдан асосий мақсад: қонунчиликдаги **“ҳукукий бўшлиқлар”**ни, **“ишламаётган”** ва **“турлича талқин қилиниши мумкин бўлган”** нормаларни аниқлаш ҳамда бугунги кун талабларига жавоб берадиган қонунларни янада такомиллаштиришдир.

Ҳукукий инвентаризация натижалари бўйича қонунчиликда айрим муаммолар, жумладан, баъзи ижтимоий муносабатларнинг ҳукукий жиҳатдан тартибга солиномасдан қолганлиги ёки ҳанузгача амалга ошириш механизми билан таъминланмаган **“ҳаволаки нормалар”**нинг мавжудлиги, бир қатор қонун нормалари орасида ўзаро зиддият ва номувофиқликлар, шунингдек, қонунчиликдаги бошқа **“ок доғлар”** аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ҳукукий инвентаризация ишларида бевосита манфаатдор вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда илмий ва ўқув муассасалари профессор-олимушларнинг фаол иштироки эътиборга олинди, шунингдек, ўрганилган қонунларнинг ҳукукий қўллаш амалиёти ва ҳорижий таъриб билан ўзаро алоқадорликда таҳлил этилганлиги натижасида ўлароқ, қонун ҳужжатларининг тегишли ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солиш бўйича бугунги аҳолини тўғри баҳолаш имконини берди.

Мамлакатимизда норматив-ҳукукий ҳужжатларни ижро-чиларга етказиш, қонунчиликнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш масалалари 20 га яқин қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Жаҳонгир ШИРИНОВ —
Қўмита аъзоси:



— Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозаъати тизимининг самарали ишлашида парламент асосий роль ўйнайди. Бунда эса парламентнинг нафақат қонун ижодкорлиги, балки назорат функцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда **“Парламент назорати тўғрисида”**ги қонун қабул қилишнинг зарурлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда, юртимизда **“Парламент назорати тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда. Албатта, ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда миллий таърибга, яъни бугунги кунда мавжуд қонунчилигимизда парламент назорати билан боғлиқ нормалар, бу масалада олим ва мутахассисларнинг назарий ва амалий қарашлари ўрганилди.

Шунингдек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ривожланган хорижий мамлакатлар таърибаси ҳам ўрганилди. Лекин шунинг айтиб ўтиш лозимки, (Россия Федерациясининг ис-тисно этганда) хорижий дав-латларда парламент назорати-

га бағишланган алоҳида мах-сус қонун мавжуд эмас. Маз-кур давлатларда парламент на-зорати оид айрим қондалар тегишли мамлакатларнинг кон-ституцияларида, уларнинг пар-ламентлари фаолиятини тар-тибга солишчи қонунлар ва ре-ламентларда акс эттирилган.

Россия Федерациясида эса парламент назорати бўйича алоҳида қонун қабул қилинган бўлса-да, ушбу қонуннинг му-ҳим шартларидан бири бўл-миш парламент назоратининг **“тушунчаси”** ва **“объекти”** акс эттирилмаган.

Шунинг учун Ўзбекистонда лойиҳаси тайёрланаётган **“Парламент назорати тўғрисида”**ги қонун дунёда ўшаши бўл-маган қонунларимиздан яна бири бўлади, десам муболага бўлмайди.

Албатта, қонунларда ҳукукий таърифларни келтириш бу — қонун ижодкорлиги фаолияти-нинг энг мураккаб жиҳатлари-дан бири ҳисобланади. Бироқ бизда парламент назорати ма-саласида Ўртбошимиз бил-дирган фикрлар бу борадаги ишларимизга методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ҳу-сусан, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисида қилган маърузаси-да шундай деган эди: **“Кон-ституциявий ислохотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурла-рининг ижросини сўзсиз таъ-минлаш борасидаги фао-лият сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим”**.

Шухрат БАҒОЕВ —
Қўмита раиси
ўринбосари:



— Қўмита аъзосининг фикр-ларини давом эттириб алоҳи-да таъкидлашни истардимки, давлат ва жамият бошқаруви жараёнида **“Парламент назо-рат”** институти нҳоятда му-ҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда яна бир масалага эъти-бор қаратиш кераки, Ўзбеки-стонда Парламент назорати бў-йича амалий таърибга тўлпа-ниқ, деб ўйлайман. Тўзипади-ган ишчи гуруҳи амалдаги нор-матив-ҳукукий ҳужжатлар ва уларни ҳаётга жорий этиш ме-ханизмларини ҳар томонлама пухта ўрганиб, тегишли ҳулоса тайёрлаш лозим. Шу билан бирга ишчи гуруҳ ҳулосалари-да амалдаги қонун ҳужжатла-рини мизга мувофиқ белгиланган нормаларни амалиётда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берувчи ҳукукий механизмлар-ни, қонуности ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга оширишни аниқлаб берадиган тавсиялар ҳам ишлаб чиқи-лиши мақсадга мувофиқдир.

Парламент назорати тушун-часига амалиётдан келиб чи-қан ҳолда айтганда бўлсак, қўйидагича таъриф бериш мақ-садга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. **“Парламент назо-рати — парламент назорати субъектларининг давлат орган-лари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунчи-лик ҳужжатлари, давлат дастур-лари ижросини таъминлаш бо-расидаги фаолиятидир”**. Унинг объекти сифатида эса давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунчилик ҳў-жатларини, давлат дастурлари-ни ижро этиш борасидаги фао-лиятини эътироф этиш лозим.

“Парламент назорати ким томонидан олиб борилади?”, деган саволга, авваламбор, Олий Мажлис палаталари, ун-даги қўмиталар ва комиссия-лар, сиёсий партиялар фрак-циялари ва депутатлик гуруҳ-лари, депутат ва Сенат аъзо-лари ҳамда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки-лини (Омбудсман) кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Парламент назорати — пар-ламент эшитувлари, ишонсиз-лик вотуми, парламент сўрови, Олий Мажлис депутати ва Се-нати аъзосининг сўрови, қонун-

чилик ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижроси аҳолини бевосита ўрганиш ҳамда бошқа шаклларда ўтказилиши лозим.

Шу билан бирга қонун лойиҳасида назорат шакллари-ни белгилашда Олий Мажлис палаталари фаолиятига Президентимиз таъкидлагани-дек, **“парламент назорати-нинг замонавий усуллари-ни таътиб қилиш”** нуқтаи наза-ридан қараш талаб этилади.

Баҳром ОБИДЖАНОВ —
Қўмита аъзоси:



— Президентимиз Ўзбеки-стон Республикаси Конститу-цияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган танта-нали маросимда **“Асосий ва-зифамиз — жамиятимизни ис-лох этиш ва демократлаш-тириш, мамлакатимизни мо-дернизация қилиш жараёна-рини янги босқичга кўтариш-дан иборат”** мавзусида маъ-рузасида давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигининг аҳамияти ҳақида тўхталиб: **“...фақатгина ҳукукий дав-лат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга таътиб этилади, инсон ҳуқуқ ва эр-киликлари, энг асосийси, уларнинг ҳукукий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъ-минланади”** — дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги конференция мав-зуи нуқтаи назардан келиб чиқиб айтганда бўлсак, Қўми-тамиз олдида турган вазифа-лардан бири **“Соғлом она ва бола йили”**да соғлом она ва соғлом болани вуҷудга келти-риш билан боғлиқ давлат сиё-сатини амалга оширишга қара-тилган амалдаги қонунлари-мизни янада такомиллашти-риш билан бирга қонуности ҳужжатларини ҳам инвентари-зация қилиш ва ҳудудларда болаларга оид қонунлар ижро-сини парламент назорати тар-тибда ўрганган ҳолда тақлиф-лар киритишдан иборат. Қўми-тада ушбу масалани атрофли-ча ўрганиш мақсадида Қўмита экспертлар гуруҳи аъзоларини, ҳуқуқшунос олимларни ҳамда соҳадаги амалиётчиларни жалб қилиш ҳолда ишчи гуруҳини ташкил этиш мақсадга муво-фиқ, деб ўйлайман. Тўзипади-ган ишчи гуруҳи амалдаги нор-матив-ҳукукий ҳужжатлар ва уларни ҳаётга жорий этиш ме-ханизмларини ҳар томонлама пухта ўрганиб, тегишли ҳулоса тайёрлаш лозим.

Шу билан бирга ишчи гуруҳ ҳулосалари-да амалдаги қонун ҳужжатла-рини мизга мувофиқ белгиланган нормаларни амалиётда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берувчи ҳукукий механизмлар-ни, қонуности ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга оширишни аниқлаб берадиган тавсиялар ҳам ишлаб чиқи-лиши мақсадга мувофиқдир.

Отабек АБДУҒАНИЕВ —
Қўмита аъзоси:



— Ҳаётини мисоллар билан айтганда бўлсак, бугунги кун-

да мамлакатимизда норма-тив-ҳукукий ҳужжатларни иж-рочиларга етказиш, қонунчи-ликнинг ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш масалалари йигирмага яқин қонун ҳўжжа-ти билан тартибга солинган. Ҳукукий ахборот электрон шаклда тарқатилмоқда, ҳу-сусан, бундай ахборот интернет тармоғи орқали давлат орган-ларининг расмий веб-сайтла-рида, шунингдек, бошқа ах-борот тизимларида жойлаш-тирилмоқда. Бундан ташқари, қабул қилинган қонун ҳўжжа-ларининг мазмун-моҳиятини тушунириб боришда телеви-дение, радио ва босма омма-вий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳуку-кий ахборотни тарқатиш би-лан боғлиқ ишларни янада та-комиллаштириш муҳим аҳа-миятга эга. Айниқса, бугунги кундаги ахборот коммуника-ция технологияларининг ри-вожланганлиги бу борадаги ишлар самарадорлиги оши-рилиши учун имконият яратиб бермоқда.

Экспертлар ва амалиётчи-лар томонидан мазкур маса-ланинг аҳамияти муҳимлиги-дан келиб чиққан ҳолда қа-бул қилинган норматив-ҳукукий ҳўжжатларни ижро-чиларга етказишни аниқ тар-тибга солидиган махсус қонун қабул қилиш зарурли-ги таъкидланди. Бундай қонун ҳукукий ахборот тарқа-тиш тизимининг самарадор-лигини оширишга ҳамда дав-лат органлари мансабдор шахсларининг бу борадаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Юқорида Қўмита аъзолари томонидан таъкидланганидек, қонун лойиҳаларини ишлаб чи-қиш, қонун тилини мукамал тарзда ифодалаш борасида қатъий андозаларни шакллан-тириш, қонун лойиҳаларида юридик атамаларни тўғри иш-латиш, қонунларда янги қўш-илган атамалар мазмун-моҳиятини кенг аҳолига тушу-нириш, юридик атамаларни бирхиллаштириш, қонунлар мазмунини шарҳлаш, қонун ижодкорлигида қонун лойиҳа-ларини юридик-лингвистик экспертлардан ўтказиш бўйи-ча ташкилий-ҳукукий меха-низмларни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистонда ижобий таърибга тўлди.

Тараққиёт сари дадил одим-лаётган ижтимоий тузумда, ривожланган демократия ва ҳукукий маданият шароитида, айниқса, ривожланган фуқаро-лик жамияти шароитида, ҳу-кукий нормаларни тўғри иш-лашнинг ижобий таърибаси ижтимоий муносабатларни тар-тибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистонда давлат органлари фаолияти-да қонун ҳўжжатларини аниқ ва бир хилда қўллаш юзаси-дан қатор ишлар амалга оши-рилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, улар-нинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида ҳуқуқий қўллаш механизмлари яра-тилади. Шу билан бирга бу бо-радаги ишларни янада жон-лантириш, фаолиятни бекаму кўст йўлга қўйиш, энг қулай шарт-шароитларни яратиш узлуқсиз жараён эканлигини ҳам назардан четда қолдир-маслик лозим.

Конференцияда Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси де-путатлари, Сенат аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ва-зирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, но-давлат нотижорат ташкилотла-ри ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этди.

Бундан ташқари, мамлака-тимиздаги етакчи илмий ва ўқув муассасалари профес-сорлари қатнашиб, мамлака-тимизда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини янада ошириш ва қонун ҳўжжа-ларини ҳаётга таътиб этиш ме-ханизмларини такомиллашти-риш юзасидан фикр-мулоҳа-заларини, амалий тақлиф ва тавсияларини билдирди. Кон-ференция якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Арслон ЭШМУРОВ
тайёрлади.

Мезон

Ижтимоий шериклик

жамият тараққиётида муҳим омил

2015 ЙИЛНИНГ 1 январидан кучга кирган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда ижтимоий шериклик масаласи ҳақида шундай дейилади: Ижтимоий шериклик давлат орган-ларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатини ижтимо-ий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларини, шунингдек, норматив-ҳукукий ҳўжжатларини ҳамда фуқароларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Демак, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир.

Қонунга асосан ижтимоий шериклиكنинг асосий принципла-ри, қонунга бўйсуниш, тенг ҳўқуқлилик, очикилик ва шаффо-лик, ҳаммаболлик, мустақиллик, ҳолислик, ўзаро ҳурмат, ман-фаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлигидан иборатдир.

Ижтимоий шериклик аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаолиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ни, фермерлиқни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳолининг соғ-лигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топти-риш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шаклланти-риш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш, оналик ва болалиқни, шунинг-дек, хотин-қизларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мам-лакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўла-қонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шаклланти-риш, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ри-вожлантириш, аҳолининг ҳўқуқий билимлари, ҳўқуқий онги ва ҳўқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демок-ратик ҳўқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш, миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролик тотувлиги ғояларини мус-таҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тари-хий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш, истеъмолчилар-нинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш каби жамият фаровонлигини таъ-минловчи соҳаларда амалга оширилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкый, ахборот-маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, уларга моддий ёрдам кўрс-атаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқлар ва бошқа мажбу-рий тўловларни тўлаш юзасидан имтиёзлар бериш йўли билан ижтимоий шериклик давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Ижтимоий шериклики давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фонди маблағлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳо-мийлик маблағлари ҳамда қонун ҳўжжатларида таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Бахтиёр ТУРҒУНОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Фаолият

“Ягона дарча” марказлари

сансалорлиқнинг олдини олмоқда

МАРҒИЛОН ШАҲРИДА яшовчи яқка тартибдаги тадбиркор Жамшид Юсупов иштирокида ипотека кредитини олган, ипотека шартномасини рўйхатдан ўтказишда амалий ёрдам сўраб, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” марказига мурожаат қилди.

Чунки банк ходимлари унга Юртбошимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги **“Тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча”** тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тарти-бини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Қарорига асосан шаҳар “Ермулккадастр” давлат корхона-сига эмас, балки “Ягона дарча” марказига мурожаат қилиши ке-раклигини тушуниришганда.

Ж.Юсупов тақдим этган ипотека шартномаси марказ ходимла-ри томонидан белгиланган тартибда “Ермулккадастр” давлат кор-хонасига электрон тарзда юборилди. Рўйхатдан ўтказилган, яна тадбиркорга қайтарилди. Яъни, ушбу масала тадбиркорнинг ор-тичка оворагарчилигисиз ҳал этилди.

Юртимиз тадбиркорларига яна бир бор еслоб ўтиш жоизки, Президентимизнинг юқоридаги Қарорига мувофиқ 16 та давлат хизматлари бўйича ўзлари истиқомат қилаётган туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона дарча” марказига мурожаат қилишлари мумкин.


Фаргона вилоятида ҳам “Ягона дарча” марказлари тадбиркорлар манфаатига хизмат қилмоқда. Марказлар муҳандислик-коммуника-ция тизимларига улангани учун қулай биналарга жойлаштирилиб, уларни замонавий талаблар асосида қуриш ва таъмирлаш учун илмий маҳаллий бюджетидан жами 600 миллион сўм маблағ ажра-тилди. Жумладан, Тошқоқ туманида 60 миллион, Фурқат туманида эса 80 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шунингдек, марказларни ташкил этиш бўйича вилоят адлия, иқти-содий, молия, алоқа ва ахборотлаштириш, архитектура ва қури-лиш бошқармалари ҳамда вилоят Савдо-саноат палатаси, “Ермулк-кадастр” хизмати ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир туман (шаҳар) қосимда сўнгги ўн йилда “Ягона дарча” марказлари орқали дастлабки босқичда кўрсатиладиган 16 турдаги давлат хизматларининг статистикаси аниқлиниб, вилоят ҳокимлиги ва Адлия вазирлигига тақдим этилди. Тошқоқ ва Фурқат туманла-рида эса “Ягона дарча” марказлари таърибга-синов тариксида таш-кил қилиниб, республика ишчи гуруҳига бириктирилди. Мазкур ҳудудларда интернетда маълумотлар узатиш миллий сегменти тар-моғи, идоралараро электрон алоқа тизими, ягона интерактив дав-лат хизматлари портали синовдан муваффақиятли ўтди.

Яна бир мисол. Ўзбекистон туманида яшовчи Санъатбек Акба-рова пахта-ғаллачилик йўналишида фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун ўтказилган очик тендер танловларида ғолиб бўлгани учун туман ҳокимининг қарорига асосан лойиҳада белгиланган ер аж-ратиб берилди. Унинг фермер ҳўжалигини ном олиш юзасидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” марказига қилган му-рожаати бўйича 4 иш соатида фермер ҳўжалигига “BOBUB ASADBEK MUHAMMADZYO”, дея ном берилди. Муҳр ва тамгалар тайёрланган, 2 иш соати мобайнида идентификацион рақам олин-ди, ҳўжалик низоми тасдиқланиб, тегишли гувоҳнома берилди.

Айни пайтда вилоят адлия бошқармаси томонидан “Ягона дар-ча” марказларининг самарали ишлашини таъминлаш, “Ягона дар-ча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёз ва преференциялар мазмун-моҳиятини кенг тартиб қилиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда турли мулоқотлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Дониёрбек ҚОДИРОВ,
Фаргона вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

фаровонлик белгиси



... лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

